



Зангиота туманидаги «Навруз» жамоа хужалиги аъзолари иқтисодий ислохотларни ҳаётга татбиқ эта бориб, эл дастурхонини ноз-неъматлар билан туддиришда астойдил меҳнат қилишмоқда. Айни пайтда хужалик тасарруфидаги иссиқхоналарда етиштирилган помидор, бодринг, карам кучатлари далаларга кўчириб ўтказилаяпти.

СУРАТЛАРДА: 1. Хужалик бошқаруви раиси Боқижон Фозилов, иссиқхона бошлиги Собит Самигов ва ишчи Мурот Файзиёвлар кучатларни қўздан кечирмоқдалар. 2. Илгор Сабзавоткор Шоира Мирзасева помидор ниҳолларини меҳр билан парваришмоқда.

Н. МУҲАММАДЖОНОВ олган суратлар.



ДАЛАЛАР ГАВЖУМ

Утган йилги режаларни бириктириш каторида ортиси билан адо этган азаматлар барча техника ҳамда механизмларни таъмирдан чиқаришди. Буни Иброҳим Бобоҷонов, Бегтир Икромов, Мирза Абдураҳмонов, Нарзулла Каримов, Солиҳон Исроилов сингари уста соловчиларнинг хизмати катта.

Боқижон Мадрисаев, Юсуфжон Иброҳимов, Усмон Узюков, Шодиқул Тураев бошқиб бригадаларда ерни экишга тайёрлаш ишлари бошқиб юборилди.

Х. АВВАЛОВ.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарори ФУТБОЛНИ РИВОЖ- ЛАНТИРИШНИ РАҒБАТ- ЛАНТИРИШ ЧОРА-ТАД- БИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА

Футбол клублари ва мактабларининг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси ҚАРОР ҚИЛАДИ:

белгиланган кўйлисинки, 1996 йил 1 январдан бошлаб: корхоналар ва ташкилотларнинг фойдалан олинган солик буйича солик солинадиган базаси футболни ривожлантириш ва кумаклашишга, футбол клублари ва мактабларининг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш ва ривожлантиришга йўналтириладиган маблағлар суммасига, солик солинадиган фойданинг 5 фоизи миқдоригача, камайтирилади;

уқувчиларнинг жисмоний тарбия ва спорт билан шуғулланишлари учун товарлар ишлаб чиқарувчи Ўзбекистон Республикаси корхоналари маҳсулотлариغا 5 фоиздан ортиқ бўлмаган чекланган савдо устамаси қўлланилади.

Вазирлар Маҳкамасининг Раиси
И. КАРИМОВ.
Тошкент шаҳри,
1996 йил 13 март.

ШАРТНОМА ЯРАТГАН ҚУЛАЙЛИК

Шовот тумани Маҳтумқули номидаги жамоа хужалигининг фермери Қурбонназар Душамов бу йил ун тонна бугдой ва ун беш тонна шили етказиб бериш тугрисида туман дон маҳсулотлари ҳиссадорлик жамияти билан шартнома тўзди. Ҳар икки томон учун манфаатли шартнома талабларига мувофиқ, фермер бир ой ўтмасдан қорхонадан аванс олди. Унга етказиб бериладиган дон қийматининг 40 фоизи пул, уруғлик ва ем сифатида берилди. Қорхона билан шартнома тўзган 17 нафар фермер ҳам Қ. Душамов каби янги ҳосил етиштиришга кўнгли туқ бўлиб киришди.

— Бу йил ҳосил етиштириш ва уни қайта ишлаш юзасидан 14 та йирик хужалик ва ташкилот, шунингдек, фермерлар билан шартнома тўздиқ, — дейди қорхона директори Қ. Қўшонов. — Ҳозирдаёқ аванс тариқасида 15 миллион сум тарқатилди.

ТАЖРИБА, ТАҲЛИЛ, ТАКЛИФ

навларнинг режадаги талабдан кўп еки оз экилиши, керакли толаннинг тақчиллиги еки аксинча, сотилмай қолишга олиб келади.

Дунё бозори талабларига жавоб бера олаётган сифатли тола етиштиришнинг асосий омилларидан бири, бу бирламчи ва районлашган гуза навларининг уруғчилиги илгирларни тубдан яхшилаш асосида уз вақтида навларини янгилаш ва алмаштиришдир.

Ҳар йили сари уруғлик чигитини етиштириш ва тайёрлашда талабга мос миқдорда уруғлик пахта ниҳолларини олиш, уни заводаларга сақлаш ва репродукцияларнинг сони ҳаддан ташқари кўпайиб кетиши натижада уруғлик чигит сурункасига меҳаник йўл билан ифлосланади. Бунда уз-узидан навларнинг пасаяди, иш жари ми мураккаблашиб, кераксиз ортикча сарф-харажатлар миқдори ортади ҳамда селекциячи ва уруғчилик олимларнинг кўп йиллик машаққатли меҳнати зое кетиб, яратилган навларнинг уруғлик қарамай у ишлаб чиқаришдан олиб ташланади.

Пахтачиликда ҳар бир минтақада фақатгина шу худуд тупроқ-иқлим шароитига мос бўлган гуза навларини жойлаштириш, энг долзарб вазифа ҳисобланади. Бунда навларнинг таъмирлиги, оқлаб касаллигига чидамлиги ва сифатли ҳосил тушлаш имкониятлари ҳисобга олинган шарт. Муайян минтақанинг тупроқ-иқлим шароитига тўғри келмайдиган навларни экиш, пахтачиликнинг иқтисодий самардорлигига салбий таъсир қурсатади. Жумладан, поқулай шароитда кўсулар кеч очилади, ҳосил миқдори ва тола ҳамда уруғлик чигитнинг сифати пасаяди.

Уруғчилик хужаликларини ва уларда экиладиган навлар турғунлигини таъминлаш уруғчиликда кўп йиллардан бундан кўнгли кўнгли муаммолар. Уруғчилик хужаликларининг тез-тез ўзгариб туриши, кўпнавлилик, тармок тизимининг қондилари ривож қилмаслик, пахтачиликнинг республикада раванж топишга тўсиқ бўлмоқда.

Демак, навларни тўғри жойлаштириш, давлат аҳамиятига эга тадбир ҳисобланади. Енгил саноатнинг тола тилларига бўлган талабни қондириш учун дунё бозорига харидорлар маҳсу-

Рўзимбой ХАСАН,
Ўза муҳбири.

АҚШДА ИСЛОМ КАРИМОВ КИТОБИНING ТАҚДИМНОМАСИ БЎЛИБ ЎТДИ

Шу йил 4 март кўни Вашингтон шаҳридаги Жоржтаун университетида Ўзбекистон Республикаси Президенти И. Каримовнинг «Иқтисодий ислохотларни қўрғаштириш йўлида» китобини тақдим этиш маросими бўлиб ўтди.

Ушбу тадбирни Ўзбекистон Республикасининг АҚШдаги элчихонаси билан Америкадаги энг нуфузли уқув муассасаларидан бири ҳисобланувчи Жоржтаун университети ҳамкорликда уюштирди.

Маросимда Жоржтаун университети талабалари, профессор-уқувчилари, Ўзбекистон Республикаси элчихонаси ходимлари, шунингдек, Ўзбекистоннинг ACCELS ва Жаҳон банки дастури йўналиши буйича Вашингтонда бўлган илмий доиралари вакиллари фаол қатнашди.

Китобни тақдим этиш маросими Жоржтаун университети профессори Балпернинг таърих сузлари билан бошланди. Бу олим Евроосиё тадқиқотлари буйича мутахассис ҳисобланади. У уз нутқида Марказий Осиёда ҳал қилувчи мавқега эга бўлган Ўзбекистоннинг Гарб учун муҳим аҳамиятини алоҳида таъкидлади. Республикадаги сиёсий ва иқтисодий ислохотларнинг бориши хусусида ижобий фикрлар билдирди.

Шундан сўнг университетнинг улкан аудиториясида китобни тақдим этиш учун Ўзбекистон Республикасининг АҚШдаги элчиси Ф. Тешабоева сўз берди. У йилдан ташқари китобнинг мазмунини билан алоҳида таништирди, унинг республикада ривожланиб бораётган ички жаранларни қўқур урганиш борасидаги аҳамиятини қайд этиди, бозор ислохотини амалга оширишда Ўзбекистонда эришилган ўсишни алоҳида таъкидлади. Бозор иқтисодиети ва демократик жамиятга ўтишнинг ўзбекона моделининг мазмун-моҳиятини тушуниб бериш. Ушбу модел иқтисодий ислохотларни сиёсий барқарорлик ва ижтимоий тўғувликни сақлаган ҳолда амалга ошириш имконини беради.

Маросимга йиғилганларда китоб катта қизиқиш уйғотди. Унинг бир неча нусхаси уқув ағнеси сифатида университет кутубхонасига тақдим этилди. Дарвоқе, бу ҳақдаги ахборотни университет талабалари ва домчалари қизгин қўллаб-қувватлаган ҳолда кўтиб олдилар. Ўзбекистондаги бозор ислохотларини ўтказиш тажрибасида кўнгли кўнгли энгилнинг шундан ҳам билса бўладики, презентация давомида университет талабалари ва профессорлардан Ўзбекистон тарихи, ташқи сиёсати, унинг минтақадаги роли билан боғлиқ жуда кўп саволлар тушди.

ГЎШТ, СУТ МЎЛ БЎЛАДИ

Денов туманидаги С. Раҳимов номи жамоа хужалиги тасарруфидаги Аҳмад Қодиров бошчилик қилаётган фермер хужалигида янги иш усулига ўтишга, меҳнатта муносабат тубдан ўзгарди. Қатор йиллардан бери ферма хужаликка зарар келтирётган. Иш шароити оғир, молларнинг насли паст эди. Мулкчилик шаклига ўтишга, хужалик билан тузилган шартномага қўра, ҳамкорлик қилинди.

Қорамоллар сони 45 фоизга қўпайди. Шунингдек, гўшт етиштириш 3,5 баравар, моллар маҳсулотлари эса 1070 килограммга қўпайди, маҳсулот таннари қамайди. Буларда маҳсулот етиштирувчилар билан истеъмолчилар ўртасидаги шартнома муносабатларининг такомиллаштириш асосий омили бўлган. Эндликда фермер хужалигида соғин сигирлар боп сони 217 тага, буюқ 144 тага, семиртиришга мулкчиланган моллар эса 220 бошга етказилди.

Бу ерда қорамоллар рацион асосида боқилапти.

— Ганнинг рости, шартномага қўп нарса боғлиқ, — дея таъкидлайди А. Қодиров. — Муҳими, шартнома фақат номгагина тузилган бўлиб қолмай, унинг самараси ишлаб чиқаришда, одамлар моддий манфаатдорлигига ўз аксини топмоқда.

Фермер хужалиги туман халқ таълими бўлими билан келишувга қўра хужалик тасарруфидаги 3 та боғчага ҳар кўни 60 литр, 4 та мактабга 100 литрдан сут етказиб бермоқда.

Фермер хужалигида илгирларнинг моддий манфаатдорлиги ҳам орди. Ҳозир бу ерда 40 нафардан ортиқ ўз касбини пухта ўзлаштирган қорвалдорлар ишлаяпти. Хужалик томонидан ҳар ойда уларга ун, ет, гуруч, шакар каби маҳсулотлар арзонлаштирилган нархда сотиламоқда.

Фермер хужалиги боқувчиси йўқ, кам даромад ҳамда қарамонига ҳеч қизи бўлмаган оилаларни ижтимоий ҳимоя қилаяпти. Шу йилнинг дастлабки ойларида 31 оилга ун, ет, гуруч, гўшт каби қўндалик эҳтиж моллари тарқатилди.

Хужалик иштиерида ем-хашак етиштиришга мулкчиланган 234 гектар майдон маъжуд. Бу ҳар боп қорамолга 43 сотиқ демақдир. Лекин бу оз. Яқинда туман ҳокимидан фермер хужалиги хушхабар олди. Хужаликка 200 гектар лалми ер уларга ажратилибди. Айни пайтда уша майдонларга озуқабоп экинлар экиш бошлаб юборилди.

А. ҲАҚБЕРДИЕВ,
«Қишлоқ ҳаёти» муҳбири.

«БАЙЕР»НИНГ ХИМОЯ ВОСИТАЛАРИ

Германиянинг Леваркузен шаҳрида бундан 125 йил илгари асос солинган «Байер» концерни жаҳондаги йirik корпорациялардан бири ҳисобланади. Дунёнинг 150 жойида ана шу концернинг филиаллари ва бўлиналари фаолият кўрсатяпти. «Байер» концернининг бир йиллик ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш ҳажми 150 миллиард Германия маркасига тенгдир. Қишлоқ ҳужайли усимликларини химоя қилиш воситалари, ортақ моддалар, тиббиёт ва ветеринария дори-дармонлари ишлаб чиқариш борасида жаҳондаги етакчи уришлардан бириги эгаллади.

Мустақил давлатлар ҳамдустлиги мамлакатларининг бир нечасида «Байер» концернининг ваколатхоналари фаолият кўрсатяпти. Шу жумладан, бир неча йиллардан бери мамлакатимизда ҳам унинг ваколатхонаси иш олиб бормоқда. Узбекистон Республикаси Қишлоқ ҳужайли усимликларини химоя қилиш илмий-тадқиқот институти, Узбекистон Республикаси Фанлар академиясининг Генетика институти ва бошқа идоралар ҳамда ташкилотлар маъмур ваколатхона билан

ҳамкорлик ишларини олиб бораётган. Хусусан, кейинги икки-уч йилда усимликларни химоя қилиш ҳамда генетика институти лабораторияларида, тажриба ўтказиш далаларида «Байер» концерни препаратларидан республикамиз шарафитида фойдаланиш билан боғлиқ кўпдан-кўп тадқиқотлар ва синовлар ўтказилди. Ана шу тажрибаларни атрофлик таҳлил этиш «Байер» фирмасининг «Гаучо», «Раксил», «Булдок» сингари химоя воситаларидан пахтачиликка, галлачиликка ва қишлоқ ҳужайлининг бошқа соҳаларида кулланиш яхши самара беришини тасдиқлади. Шу жумладан, «Гаучо» пахтачиликка, «Раксил» эса галлачиликка катта наф бериши тажриба ва ишлаб чиқариш жараёнларида ўз исботини топди.

Шу уринда «Байер» концернининг «Гаучо» усимликни химоя қилиш воситаси хусусиятларига қисқача тўхталиқ. Маълумки, гуза ривожланишининг дастлабки босқичида, яъни май ойида ва июнинг дастлабки икки ойида шира, трипс, оққанот сингари ҳашаротлардан ишончли химоя қилинади. «Гаучо»нинг сингари зараркунандалар

усимликка катта зарар етказиб, унинг барваж бўлишига тўсқинлик қилади ҳамда пировард натижада ҳосилнинг қайиғишга олиб келади. Ҳозирги пайтда ана шу зараркунандаларга қарши курашишда кимевий воситаларни пуркагичлар билан усимликка сеппиш йўли билан курашишмоқда. Бундай усулдан фойдаланишда кимевий дорилар теварак-атрофдаги дов-дарактларга, турли фойдали ҳашаротларга салбий таъсир этади. Хусусан, худди шу даврда пахтазорлар четидagi туғлар бағи шира курига кесиб берилади. Демак, гузага кимевий дориларни пуркаш эна-атрофдаги туғ бағирига салбий таъсир этади. «Гаучо» препаратидан кулланишда шундай қийинчиликка дуч келинмайди. Чунки бу препарат билан уруғлик чигит ерга эҳтисомдан илгари, замонавий технология асосида дориларни химоя қилиш чўқмудан кейин икки ойдан оқиб муқддат даромида усимлик юқорида таъкидланган шира, трипс ва оққанот сингари ҳашаротлардан ишончли химоя қилинади. «Гаучо»нинг яна бир афзаллиги жиҳати шун

даки, у атроф-муҳитга салбий таъсир этмайди. Қуйи Чирчиқ туманидаги «Узбекистон» фермер хўжалиқлари биланшмаси энг замонавий техникалар, техника воситалари, фан ютуқлари дастлабки тарзда тажрибадан ўтказилган, синиб курилаган усимликлардан бири ҳисобланади. «Гаучо» препаратини билан биринчилардан бўлиб ана шу йirik хўжаликда ишлаб чиқариш жараёнида синиб курилади. 1995 йили 120 гектар тут плантацияларига яқин экин майдонларига чигитни ерга қайтадан илгари «Гаучо» препаратини билан кимевий ишлов берилади. Бу таъбир май ойи ва июнь ойининг бошда гузанинг ашаддий қушандалари ҳисобланган шира, трипс ва оққанот ҳашаротларига қарши икки марта пуркаш йўли билан кимевий ишлов беришдан халос этиди. Демак, ҳар гектар ҳисобига қарий 2 минг сум маблағ тежаб қилинди. Энг асосий пахтазорлар теварак-атрофдаги туғларга ва бошқа дов-дарактларга салбий таъсир кўрсатилмади. Тажриба ўтказилган далаларда бошқа пайкалларнинг ур

ни қиссий жиҳатдан таҳлил этиди. Ушбу анжуманда Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар «Агрохимсервис» бирлашмалари раҳбар хўжалиқлари, усимликларни химоя қилиш станциялари мутахассислари қатнашдилар ва кун тартибидagi долзарб масалаларни муҳокама этишда фаол иштирок этидилар. Республика «Кимеконессия» раҳбари М. Зоҳидов, академик С. Алимўхамедов, «Байер» концернининг Узбекистон Республикасидаги ваколатхонаси раҳбари П. Сикстий ва бошқалар анжуман иштирокчиларининг диққат-эътиборини усимликларни химоя этиш воситаларидан фойдаланишнинг узига хос хусусиятларига қаратдилар. Йилнинг каттагилилари «Байер» концерни, унинг Узбекистондаги ваколатхонаси билан ҳамкорликни янада кенайтириш, тадқиқотларни чуқурлаштириш, усимликларни химоя қилиш воситаларидан фойдаланишда энг мақбул усулларни куланиш зарур, деган ҳулосага келидилар.

С. САЙДАЛИЕВ,
«Қишлоқ ҳаёти»
муҳбири.

ЯЙЛОВ ТАРОВАТИ

Сувлисой, Қизилсув, Қалтакул яйловларида баҳор. Бу ерларнинг ҳавоси, табиати узгача. Яшил поендоз қопланган уфққа туташ кенгликлар гулал манзараси киши дилга ором бағишлайди.

Бобомурод ака 35 йиллик, заранг тақийи қулдан қуймай шу баҳаво яйловларда сурув суриб келмоқда. У бегубор осмон ва тоғ манзараларига бир-бир назар ташлаб, енглик йилларини, умрининг бетакрор дамларини ослайди:

— Инсон ҳаёти баҳисоли бир дарё. Умр қадрин йиллар билан эмас, элга қилган хизмати билан улғанади. Чунки бизга бобо касб. 13 ешимда отам билан бирга сурув кетидан юрардим. Раҳматлик падарим «Моли туқнинг жони туқ» деб кўп такрорлар эдилар. Бу сўзинг нақадар туғрилигини тажрибада кўрдим.

Отам Улуғ Ватан уруши йилларида ҳам совлиқларидан қузи олиш режасини доимо ошириб бажарган. 1968 йилда аскарлик бурчимни ўтаб келганимдан сўнг, падари бузрукворим чўпонлик тағийини мента топширди. Шундан бери бу касбни ардоқлаб келаямиз. Кечатгилек эсимда. Турғунлик йилларини қузилаштириш компанияси олдидан чорвалорлар кенгаши буларди. Бизни чўпонлар минбаридан баландпарвоз ваъдалар қилишарди. Энди давр узгача. Худода шукр, шу кунларга етиб келдик. Дехон билан чўпон елкасига офтоб тегди.

Яйлов баҳодирини, Бобомурод Турсунов мекнатсизвар чўпон. Уттан йили у 350 боши совлиқнинг ҳар 100 бошидан 105 талдан соғом қузи олиб, 75 фойзинг естиришни қолдириди. Жорий йилда ҳар 100 боши совлиқдан 106 талдан қузи олмақчи. Бундан ташқари ҳар бош қулдан 3 килограмдан жун қирқиб олишга ҳаракат қилмоқда. Барча совлиқлар қишлоқдан туғ ва семиз олиб чиқилди. Айни пайтда қузилаштириш маъмурия таъйинларини қуриштириш. Халемай, Сувлисой яйловларини қузиқоқларнинг маъраши туғайди.

Хайрулла ТўРАЕВ,
Яйқалаб тумани.



Хизр назари тушган буюк маъво — Узбекистонимиз мустақилликка эришганилик боис имкониятлар эшиги келиб очилди. Ташаббус ва тadbиркорлик туйуси қалбларда қайтадан аланга ола бошлади. Яратувчилик, яъни бунёдкорлик ишлари эндиликда ўзининг илк самараларини билади дастурхонимизни тўкив-сочин қилиш билан бирга ҳаққимиз турмуш даражасини ошириш, энг муҳими, меҳнатка манфаатдорлик нукта назаридан ёндоқимизга хизмат қилмоқда. Дароқе, меҳнатнинг давлаткор қудратини ҳам беҳисоб!

Ташкент туманидаги «Абдулаттипов» ҳиссалдорлик жамияти жамоасининг бугунги яратувчилик фаолиятини юқоридаги фикримизга далил бўла олади.

Алшпер Навоий номли жамоа ҳужайлининг чорвачилик фермаси негизда вуқудга келган «Абдулаттипов» ҳиссалдорлик жамияти ўзининг мустақил мақомига

эга бўлганига икки йилдан ошди. Ушанда ҳужайли фермасининг 521 бош қорамол, шундан 200 бош соғин ситир ҳиссалдорлик жамияти тасарруфига олинди.

Тугриси, жамоада ишлар дастлаб осон кечмади. Унинг раҳбари Абдулафтор Абдулаттипов едлий югурди, таъбир жоиз бўлса, худди беш панжани бир мушта йиққандай, жамоанинг аҳилигини, меҳнатда бир-бирига қамарбаста бўлишини таъминловчи омиқларга эътиборни қаратди. Қул остидаги 45 нафар кишини рағбат сари йуналтириб, ишларни аста-секин намунали йўлга қўйишга эришди. Ҳиссалдорлик жамиятига ҳамма ишларни ҳисоб-китоб, режаси асосда ташкил этишга киришилди. Кўп ўтмай эриштириш ва шофёрлар уа мошларини жамоа ҳужайлининг техникасини таъмирлаш устанонаси худди турғундан турғи шу ердан олаётган бўлиши. 8 та «Белорус», 2 та «Т-150» трактори ва 8 та



Чорвадор меҳр оғушида

автомашина янги жамоанинг мудири алоҳида қайд этиди. Унинг рақам ва таҳсилларга бой туғунг қўйишга эришди. — Ҳиссалдорлик жамиятининг номилашда жамоамиз билан узаро масъалаларни ҳисобга кўриш, бундан янада яхшироқ қилишга эришди. — Ҳиссалдорлик жамиятининг номилашда жамоамиз билан узаро масъалаларни ҳисобга кўриш, бундан янада яхшироқ қилишга эришди. — Ҳиссалдорлик жамиятининг номилашда жамоамиз билан узаро масъалаларни ҳисобга кўриш, бундан янада яхшироқ қилишга эришди.

Мана, бу киши — Этамберди ака Исмагуллоев буладилар. — Абдулафторнинг даромадига кишини бизга таништираркан, ана шундай қўлимча қилди. — Ҳозирда атрофимиза хошим, илгор ва тажрибали чорвадор. Этамберди акага катта раҳмат! Бизга йўл-йўриқ кўрсатиб туради. Мисра аҳлиларини ва ерданими сира аямайди.

Ҳозир жамоамизда 68 нафар киши қулни қула бериб меҳнат қилаётган. 42 нафар илчи бедачилик, жами 110 нафар киши озуқачилик билан бевосита шуғулланыяпти. Озуқача гап кўп.

Моллар маҳсулдорлигини таъминлайдиган бирламчи омиқ — озуқа мул-қуллиги ҳисобланади. Кейинги икки йилнинг айни пайтдаги кўрсаткичлари билан таққослаб айтганда бўлсақ, ситирлардан 300-310 литр кўп сўт соғиб олинаётипти. Шу йилнинг январь ва февраль ойлари буйича сўт 8 тоннага олди.

Ҳозирги 565 бош қорамол парваришланмоқда. Бултут шу даражада соғин ситирлар сони 224 бош бўлиб бўлса, бугунга келиб улар 234 бошга етди. Бузоқ олиш кўрсаткичи ошяпти.

Бу ерда манфаатдорлик ютуқлар тарови ҳисобланади. Соғувчиларга ҳар килограмм сўт учун 1 сумдан ҳақ тулланаёпти. Демак, ҳар бир соғувчи қанча юқори натижага эришса — шунча манфаатдорлиги ошади. Бу ерда бир ойнинг узайи 5 тоннагача сўт соғиб олаётган шекадамаз кўп. Меҳнатига яраша ойлик маоши 5 минг сумни ташкил этади. Ана, барак!

Абдулла ТУРДИЕВ,
Даврон АХМАД

СУРАТЛАРДА: 1. Нарзиз Мирзамуродова билан Сурайт Қаримбековлар жамоанинг ёил ва сарғайтар аъзоларидан ҳисобланади. Улар ўз қарамониди сиғирларни парваришлай, ҳар бир соғимдан мўла-қўл ет соғиб олинамоқда.

2. Илгор молақовлар — Ботир Гулмаматов ва Муратов Султоновларнинг ҳар кунги юмуши кўп. Бу ердаги зовдор ва маҳсулдор моллар учун йилнинг тўрт фаслида ҳам озуқа мўла-қўл!

Асарлар — гин нағар



эм алламақалгача давом этиди. Тўйда ширкатлар уюшмасининг бир туғуқ раҳбарлари ҳам иштирок этишди.

— Анови қорачалан келган, урта бўйли киши раисимиз бўлади. — деб таништириди меҳмонга енида утирган мезонлардан бири. — Барака топ-тур, доимо элни ўйлайди. Тую маърақаларимизга бош-қош, булдирларда аралашиб юришдан ана шундай камтар раҳбаримиз бор. — Дароқе, сизларда ахвол қандай? Даб-дурустдан берилган бу савод тожиқистонлик меҳмонни бирдам уйга топширди. Рухсиз бир кайфиятда дастурхон тула ноз-неъматларини бир-бир нигоҳидан кеңираркан, шикасталик юзларига зоҳиран акс этиди. — Нимасини айтасиз, биродар, — деди у сал фурсатдан сўнг чўкур хурсини. — Бизда янаш тобора оғирлаштиб кетаяпти. Хатто бир ярим йилдан буен оддий нафақа пулларимизни ҳам ололмаймиз. Кенжа қизимизни унаштириб қўйганимизга туққизи оғ бўлди. Тўйини қилиб беролмайди. Одамлар ахволи чор-чор бир пайтда тўй қилишининг ўзи бўлаётган? Буларроқ қилиб узайтилик десак, ешларнинг дили рақиб қоллади, деймиз. Қиз болага сеп керак, жиҳоз керак... Ҳамма жим эди... Сукунат

ридаётган ишлар қулами билан ақилдан танишишга муваффақ бўлдим. Ва қурган-кечтирганларимни баҳоли қудрат қаламга олдим... Хўжалик ҳудудиди ун мингдан зиёд ахил ахил истикомат қилади. Одамларни камтар, ҳам жиҳат. Не бахти, аксарияти асал дехон. Султон Раҳмонқулор ана шундай катта жамоага бошқоқ. Қўлчилик уни қулни оқиб, тиниб-тинимайдиган, айни пайтда ута қаттиққўла раҳбар сифатида таърифлашди. Хўжалик маъмурий биносиди бўлиб, мутахассислар билан суҳбатлашганимизда буни очик бўлдим. Айнқика қалдрлар орасида қулни илғизом маъжуд. Айрим мутахассислар раисдан «андак хайқиниларми-ей» деган хаелта ҳам борди. Ва узаймга ҳулоса қилдимки, самимийлик асосидида қаттиққўллик бугунги қула ҳам ма жойда зарур. Қолаверса, талабчанлик раҳбар учун нуқсон эмас, балки фазилатдир. Ким билисин, эҳтимом мана шунинг учун ҳам баъзи жойларда иқтисодий масалаларда қатор қийинчиликлар, муаммолар сезилиб турган бир пайтда маъмур хўжаликда бу борала ахвол узгачароқ кечмоқда. Ширкатлар уюшмаси «кумуш тала» ижодкорлари биргана утган йилнинг узайи давлатга 7,5 тонна пилда топши-

ШУКРОНАЛИК

риши. Хўжаликка режалари 4510 тонна уринга 4744 тонна гагга хирмони бунед этилди. Пахтакорлар 3130 гектар ерда дехончилик қилишиб, пахтадан белгиланган 8760 уринга 9353 тонна сифатли жом аше тайерланди. Режа орғини билан урдаланганлиги боис 1239 тонна тола хўжалик ҳисобиди қолди. Ширкатлар уюшмаси меҳнат аҳли пахтадан ташқари бошқа соҳалар буйича 15 миллион сумдан зиёд соф даромад қилди. Хўжаликка аҳолилик ижтимоий химоя қилиш масалалари билан қизиқиб, бу борала ҳам ибратли ва хайрли ишлар амалга оширилатганлигини одамларнинг ўз оғизидан эшитиб, беихтиёр уша тожиқистонлик меҳмоннинг таълири елга тушди. Қушни жумхурияда одамлар оғир бир вазиятда яшаётган бир пайтда маъмур ширкатлар уюшмасида аҳолига 139 тонна ун, 131,5 тонна ет, 748 тонна бутдой ва 17 тонна гушт арзон нарқларда тарқатилди. Уларнинг чорқисси учун 196 тонна беда, 373 тонна сомон, 573 тонна қунаҳар ҳамда 410 тонна шелуха тақсимланди.

Хўжалик раҳбарининг салоҳиятини, элига, хўжалик аъзоларига хайрихоҳлигини, одамларни қўриқтириш билиши қобилияти ва ташкилотчиликни юқоридаги мисоллардан ҳам битиб олиш мумкин. Энг муҳими, ҳозирги замон талаб-

лари моҳиятини теган англаш, бозор муносабатларига хос ва мос равишда иш юритиш унинг хурмат-эътиборини оширмоқда. Султон аканинг бевосита раҳбарлиги туғайди хўжалик қишлоқларига саноат жалал одим ташлаб қилари келмоқда. Ҳозир жамоада бир неча қичиқ қорқоналар фаолият кўрсатмоқда, улар тиқувчиликка, туқувчиликка ва енгил автомобильларни таъмирлашга иктисомланган. Биргина «Хумо» қичиқ қорқонасининг ўзи утган йили хўжаликка 165 минг сум соф фойда келтирди. Ун икки нафар кишини иш билан таъминлаётган қорқона ишлаб чиқараётган маҳсулдорларини ўз дуқони орқали аҳолига арзон нарқларда сотмоқда.

Раис қишлоқларга тадбиркорлар сафи кенайтириш, дехон (фермер) хўжалиқлари ҳар томонлама тараққий этишини оруз қилибгина қолмай, балки уларнинг истиқболлини таъминлашга ўзи бошқоқ бўлаяпти. Бугунги қула чорвачиликка 14 та, пахтачиликка эса 7 та фермер хўжалиги иш олиб бораётипти. Биз хўжаликка таширф буюрганлиги ер ҳақиқий эгасига, уни урдалай оладиган қишиларга берилаётганлигини гувоҳи бўлдим. Негаки, ҳар қарч ер ҳам ўз соҳибининг қулида яшнайди, ҳазина сандлигини очадди. Айнқика, Маҳбуб Мухто-

ров раҳбарлик қилаётган оилавий дехон (фермер) жамоасининг иллари ибратлидир. Чунки, 10 гектар ер фермер ихтиёрида. Туман «Тадбиркор» бондида уларнинг ўз ҳисоб рақами очилган. Техникаси етғили. Утган йили бу оилавий жамоа 9 гектар ерда пахта ва 1 гектар ерда сазавот экиб, астойил тег туқилди. 24 тонна уринга пахтанинг узилдан 36,8 тонналик хирмон тиклашди. Ҳосилдорлик 40,8 центнерга етказилди. Давлатга 22,5 тонна сазавот топширилди. Сазавот етиштиришга бор-йўғи 113 минг сум сарф-харажат қилиниб, 600 минг сум соф даромад олинди. Бу эса ишлаб чиқариш ҳажми харажатга нисбатан 5,5 баравар ортганини кўрсатади. Бундан ташқари 7 тоннага яқин тола фермерлар ҳисобига қолди. Тола ҳисобидан 12 тонна чигит эвазига фермерлар 1 тонна етга, 5 тонна қунаҳарга ва 4 тонна шротга эга бўлишар.

Бердали Жульбеков ва Ислом Валиев сингари дехон (фермер) хўжалиқлари ҳам яхши кўрсаткичларга эришилди. Бундай рақамлар ўз таҳлили билан ҳаммага қўйилган ақилнинг енгил дафтарида юради. Фермер буланам деб қўрақига урадиларкан, ер сўрайди-дедилар хўжаликка қўлчилик. Лекин ерни ўзлаётганидан, ундан унумли фойдалана оладиганлар унга эгалик қилгани маъқул. Бунинг учун одамларда мулка бўлган муносабатни камол топтириш, уларда чин маънода эгалик ҳиссини уйғотиш — бу ҳам шу куннинг долзарб талабидир.

Иброҳим ТОШЕВ,
«Қишлоқ ҳаёти»
муҳбири.

Пешку хабарлари

МЕХАНИЗАТОРЛАРГА МУКОФОТ

«Туркистон» жамоа ҳужайли бошқаруви яқинда ерларни ҳайдашда ва қишлоқ хўжалик техникаси ҳамда механизмларини асрашда юқори кўрсаткичга эришган бир талай механизаторларни мукофотлади. Улар сафида Исмонд Баҳромов, унинг ерданчи-си Зие Нарзиев ҳамда Муштафо Собиров ва Рузимурад Раҳимов, Ҳабиб Шарипов, Музаффар Шукуровлар бор.

Биринчи урини эгалаганларга 1000 сумдан, иккинчи ва учинчи урилларни олганларга эса 500 ва 300 сумдан пул берилди. Мукофотларни туман агрохизмат уюшмаси раиси Нажмиддин Нурмухаммедов топширди.

ТАЙЕРТАРЛИК ҚИЗҒИН

Навоий номли жамоа ҳужайли далаларида баҳорги экишга қизгин таралду қурилмоқда. Толиб Тулаев, Ҳаким Зойиров, Салим Ширинвалар етакчилик қилаётган бригадаларда шўр ювиш ишлари ниҳоясига етказилди.

ЕРГА ЕР ҚЎШИЛЯПТИ

Варахша қулида янги ерларни ўзлаштириш жадвал олиб бориляпти. Бу йил қаида 2 минг гектар ер ўзлаштирилади. Чунки, «Туркистон» жамоа ҳужайли механизаторлари 106 гектар ерни ўзлаштиришда жонбозлик кўрсатишди. Ерга-ер қўшилди Ҳабиб Шарипов, Раҳмон Мўқимов каби бўдлоэричларнинг гайрат-шижоати таҳсинга сазовар. Айни қуларда насосни тула қувват билан ишлатаётган Жўра Мўқимов ва Мардон Холдорларнинг саз-ҳаракати билан янги ўзлаштирилган ерлар қондириб сўғорилмоқда. Бу майдонларга шу йилнинг узайдак чигит ва сазавот экинлари экилади.

ЧАҚҚОН УСТА

Қалаймиршор қишлоқ фуқаролар йилгитига қарашли Қўдратхон қишлоқ марказидаги оёқ қийимлари устанонасида ишлаётган ёш уста Жалолжон Муродовнинг ҳушматидан қўлчилик хурсанд. Жалолжон одамларнинг илдиқ қутиб олади, уларнинг ишини тез бажариб, хурсанд қилишга ҳаракат қилади. У хушмуомалалиги ва касбият ихлоси баландлиги билан барчаннинг хурматини қозонмоқда.

С. КОДИРОВ

Амир Темур таваллудининг 660 йиллигига

БУЮК СОҲИБҚИРОН ЭЪЗОЗЛАГАН ҲАМ ЎЙИНИ



Отгаки ва эзма манбалар буюк соҳибқирон Амир Темур ақли заковатни пайлаётган қадимий ўйинлардан бири — шатранжнинг толмас муқдасидан бўлган бўлиб, ҳаққоний далолат беради. У у «Тууқлар» да шундай таъкидлайди:

«Давлатнинг забт этиш санъати мен учун шатранж унинг монанди бўлиб, кундуз кунлари зийрак рақиблар билан шатранж доналарини суришни машқ қилсам, кечалари хос хонамда ёлғиз қолган, ҳаттоки уйкута еган пайларим ҳам, уйлаган тадбирларим ва уларни амалга ошириш йуллари ҳусусида бош қотирардим. Хужум ва чекинмиш, қалъага элтувчи йулларни пухта таҳлилдан ўтказардим».

«Ажойиб ал-мақдур фи тарих Таймур» («Темур тарихида тақдир ажойиботлари») асари муаллифи Шайхобиддин Аҳмад ибн Муҳаммад ибн Абдуллоҳ ибн Иброҳим ҳам буюк соҳибқироннинг шахматга ҳаёт шиквиб бўлганини эътиборга олади: «Ҳеч вақт унинг ҳузурига даъват қилган, қон туккиш, асир олиш, наҳбу горат қилиш, хотин-қизлар ҳақида ҳақоратли гаплар бўлмади».

Темур бехато нишонга урувчи, фикр-мулоҳазали, бағоят фаросатли, бошга қулаёт тушганда ҳам ҳаққоний инсон эди. У фикр мулоҳазасини пайлаш мақсадида у муттасил равишда шатранж ўйнади. Унинг ҳиммати кичик шатранждан олий бўлиб, доимо катта шатранж ўйнади. Катта шатранж тахтасининг эни ун бир хона, бўйи эса ун хонадан иборат эди. Унда ортқича икки туя, икки жираф, икки таллий, икки лубаб, вабир ва булардан бошқа сипоҳлар ҳам бор...

Умрининг кун қисмини саяхатларда ўтказгани учун ибн Арабшоҳ таъкидлагани олган маъкур асар муаллифи Амир Темур билан дона суришган шатранжчиларни ҳам тилга олиб,

уларнинг салоҳиятини қисқача таърифлаб ўтади: «Шатранжчилардан Муҳаммад ибн Ақил ал Ҳайми ва Зейн ал-Яздий ва бошқалардир. Шатранжчиларнинг алломаси фикрчи — ҳадислар билмонди Аллоудин ат-Табризий эди. У Зейнал-Яздийга ортқича бир пиёда қур ва ундан голиб чиқар, Ибн Ақилга эса битта от куйиб, унинг устига миниб оларди, яъни енгарди.

Шатранж ўйини-ю сулбларида Али Шайхнинг ўзига хос салоҳияти бўлиб, чуқур ўйлашдан унинг юришлари тағига етиб бўлмади. Зеро, бир вақтингиз унда у икки рақиб билан голибона дона суриб, ҳисоб-китоб йули билан ўзига ва рақибларида қандай доналари борлигини билар эди. У ва Амир Темур катта шатранжни ўйнардилар».

Шахмат бобида буюк соҳибқирон қай даражага кўтарилигани ҳусусида дангал бир наима дейиш қийин, лекин саркардалик фаолиятида у тенгсиз эди. Бу ҳақда Ибн Арабшоҳ шундай дейди: «Темур шарку гарбини забт эди. Унинг жангу жадалига ҳар бир султон ютқазиб, ҳар бир шох жаңгид ҳам, шахмат ўйинида ҳам ундан енгилиб мот бўлди».

Дикхата сазовар жиҳат шундай: буюк соҳибқирон ўзи рубару келган барча жангу жадалларда чинакам шахматчиларга хос тарзда ҳаракат қилган, яъни шунчаки ортқича куч-қудрат эвазига, шунчаки тўтоваси ҳамларар орқали галаба қозонишга интилан эмас, балки кам куч сарфлаган ҳолда, кам талафот курган ҳолда ютуққа эришиши даъво бўлган.

Кўпича, вазиятнинг ўзи ундан шундай ҳаракат қилишни тақозо этган ва беқисс ақлу заковати, саркардалик маҳорати боис ҳар доим муваффақият қозонган. У «Тууқлар»да бу ҳақда буюк соҳибқирон шундай дейди: «Тажриба яна шунки курсатдики, галаба еки мағлубият жанг қилганларнинг сонига эмас, Тангри таолонинг мадади ва би курган талбирларга боғлиқдир. Узим бунга яққол мисол».

Барча ҳаракатларимизни пухта ўйлаб, олган, мен 243 аскарим билан Қарши қалъасини қўлга киритишга аҳд этдим. Амир Мусо ва Малик Баҳодир бошчилигидаги 12 минг кишилик қўшиннинг бир қисми қалъани ичкаридан муҳофаза қилмаётган бўлса, бир қисми унинг тевағатига

хушёр турарди. Шунга қарамай Яратганининг ердими ва оқилона талбирларимиз натижасида мен қалъани қўлга киритдим.

Ғафлатдан уйғонган Амир Мусо ва Малик Баҳодир кучларини қайтадан тушлаб мени қамал қилмоқчи бўлишди, лекин вақтида ва уридли уюштирилган ҳамларар туфайли 243 аскарим билан 12 минг кишилик қўшинни тормор этиб, муддаога эришдик».

Бошқа бир сафар Амир Темур ҳазратлари 60 нафар аскар билан Тухул Баҳодирнинг 1000 кишилик қўшинига қарши жангга кириди ва қаттиқ олишувдан сунро галаба қозонади. Бундай мисолларни қўлаб келтириш мумкин. Хилдистон, Хурсон, Кичик Осиё, Олтин Урдага юришларида ҳам сон жағдатдан устунлиги асло Амир Темур томонидан бўлган эмас.

Шу боис булса керак, буюк соҳибқирон ўтказган жанглар тафсилоти билан яқиндан танишган шахмат мутахассислари ва муҳлислари унинг саркардалик маҳоратига тан бериб, қойил қолиб, у таассуротларини шахмат тахтасида ифодалашга интилишган.

Ана шундай шахмат филолиларидан бири уттан асра яшаб, ижод этган таниқли математика профессори Карл Иванович Янишдир. У буюк соҳибқирон Амир Темурнинг Рум салтанати ҳукмдори Йилдирим Боязид 1402 йили Анқара яқинидаги ҳаёт-мамот жангига асир олинишига бағишлаб, бундан чамаси 140 йил илгари шахмат масаласи турган эди.

Энди ушбу масалани эътиборингизга ҳавола қиламиз. Дастлабки вазият қуйидагича:

Бу вазиятга қоралар шохчи



Соҳибқирон жанг тафсилотлари — унга юришчи туғри топган шахмат муҳлислари исми шарифларини газетамиз саҳифаларида эълон қиламиз.

Балки баъзи мутахассислар ва муҳлислар улуг бобомиз Амир Темурнинг саркардалик фаолиятига оид чиройли шахмат масалаларини тузишга журъат этиб, уларнинг буюк соҳибқиронга эҳтиромини амалда кўрсатишар.

Умуман айтилган бўлса, буюк соҳибқирон эъзозлаган ўйин — шахматга эътиборни кўчайтириш ҳусусида жиҳдий ўйлаб қуриш жоиз. Улуг бобомиз таваллудининг 660 йиллиги нишонланаётган ушбу табаруқ ойларда мактабларда, ўқув мусассалари, ташкилотлар, қорхона ва ҳужалиқларда нега қизгин мусобақалар кузга ташлашмапти? Нима учун маҳаллалар, туманлар, вилоятлар уртасида шахмат баҳслари ўтказилмапти?

Ахир, шахмат энг кам маълаг, жой талаб қилмаган, лекин ақлу заковатни ўстиришда тенги йуқ воситалардан бирики.

Уни оммавийлаштириш учун ҳафсада, жонқуярлик керак, ҳолос. Ким билди, бу ўйинни кўччиликка манзур қила оласа, Амир Темур бобомизнинг 680 еки 690 йиллиги нишонланаётган кунларга бориб аёллар ва эркаклар уртасида жаҳон шахмат тоғини Узбекистон, вақсиллари қўлга киритишар?

Орзуга айб йуқ, дейди доно халқимиз. Агар улуг соҳибқирон бобомиздан уриқ олиб ҳар бир талбирни пухта амалга оширишни урганса, ушбу ва бошқа орзуларимиз шубҳасиз, рубебга чиқиши турган гап.

Ш. АЛЛАМОВ.

ШАҲАРМИ, ҚАЛЪА?

Ҳар бир фуқаронинг ўз халқи тарихи ва маданиятини билишга интилиши табиий ҳодиса. Кейинги йилларда кишиларга Эъзобқироннинг, жумладан, вилоят, туман, кишлоқлар ва бошқа ҳудудларнинг қадимий тарихини урганишга бўлган қизиқиши янада кучайди.

Самарқанд туманининг муҳим тарихий ёдгорликларидан бири бу — Кофирқалъадир. Бундай деб номланганининг сабаби шунки, биринчи асрагача бу жой сугдийларнинг маънавий бўлиб, Улар оташга сиғиниб, зардушлик динига эътиқод қилишган. Араб эътиқодчилари бу жойни босиб олганидан кейин, маънавий «Кофирларнинг қалъаси» деб ном берилган.

Кофирқалъа — Самарқанд шаҳридан 12 километр шарқ жанубига жойлашган бўлиб, Даргом каналининг чап қирғоғиди қадимги қалъа-шаҳар ҳисобланган. У Самарқанд туманининг Чоршанба кишлоғи ҳудудига қиради. Қалъанинг умумий майдони 16 гектар бўлиб, уч қисман, арқ, шахристон ва рабоддан ташкил топган. Баянлиги 20-25 метрлик арқ шахристоннинг шарқий бурчигада жойлашган, шаҳарнинг барча майдони мудофаа девори билан уралган ва икки томони буржлар билан мустаҳкамланган.

Етарлиқ деворнинг гарбий-жанубий қисми қазилганда олимлар қалъадан 150 метр масофада У-У қалъаси мисқуси йирик заминнинг чорбоғи борлигини аниқлашди. Бу ер У-У-У асарлари яшаган сугдийларнинг макбаралари ҳам бўлган. Кофирқалъа аҳолисининг 40-50 йилларда археологлар Г.В. Сиверский, И. А. Суҳарев, Г. П. Санжолар томонидан илк бор қазил ишлари олиб борилди. И. А. Суҳарев ушбу ёдгорлиқнинг тарихий маънавий жойлашини чуқур ўрганиб, шаҳристон шарқда қуллар маҳалласи, жанубида эса оташпарастлар қабристонидек маҳаллар борлигини аниқлади. Шундан кейин олим қуллар маҳалласида қазинишларини давом эттириб, муҳим далилларни аниқлашга эришди. Ушбу жойда қазилма ишлари олиб бориладиган қулларнинг асос-бўёқлари ва чала пиширилган қулоччилик буюмлари, ҳумдонлар топилди. Етарлиқ шахристоннинг шарқий қисмида археолог О. В. Обельяченко томонидан 1960 йилларда қазил ишлари ўтказилганда урта асрларга оид катта бир бинонинг қолдиқлари топилганди. Аммо бу муҳим тарихий иш негизлар охирига етказилмади ва қазинишнинг натижаси аниқланмай қолди. Археолог Г. В. Шинкин томонидан 80-йилларда ўтказилган қазинишлар чотқид эса бир қалъа муҳим тарихий аҳамиятга молик топилдиқлар чиқди.

1990-93 йилларда олим А. Э. Бердимуродов раҳбарлигида археологик гуруҳи Кофирқалъанинг арқиде қазинишлар олиб борди. Арқнинг жанубий ва шимолий томонларида икки минора тузилган бўлиб, улар арқдан асосий дарвоза топилди. Миноралар турт бурчак шаклда бўлиб, уларнинг ташқи деворларида шиклар урнатилган, ички деворларида эса нафис суратлар чизилган. Минораларнинг ичидан олдин рузгорбол идиш-товоқлар ва буюмларнинг топилганига қура, тиғчилик пайлариде қалъада олдин одамлар ҳам яшаганини кўришни турибди. Арқнинг турт бурчигада миноралар бир-бирларига йуқлар орқали боғланган. Қазинишлар давомида топилган тарихий манбаларга қура, арқда жула улкан ва ханамагли сарой ҳам бўлган.

Қазилмалар, топилмалар

Шунинг билан бир қатар, қалъадан топилган қулоччилик

ОЛМА ХОСИЯТИ

Олма — юз терисини таранг-лаштириб ешартилади. Бир дона олмане бир оғ судда пишириб, ҳосил бўлган олма бутқасини идишроқ ҳолга келтириб юзга суртилади. Оралдан 20 дақиқа ўтказиб совуқ сувда ювиб ташланади.

буёмлари узининг сифати, бежиримини билан кишини ҳайратга солади. Уларнинг сиртига ялтирок моддалар сеппилганини идишларга яғача жойиба берган. Дунча, офтобалар эса худди сугдийларнинг металл идишларини эслатади. Шунингдек, қазинишлар вақтида бу ердан қўлаб метал ва теридан қилинган хилма-хил идиш, ашёларнинг топилдиши Кофирқалъада ҳунармандчиликнинг бу турлари маълум даражада ривожланганини далолат беради. Энг муҳими, бундай бежирим, танкич нарсалар Буюк ипак йули орқали чекка улқаларга тарқатилган ҳам асдиру. Чунки, Буюк ипак йули Самарқанд Судийнинг шаҳарларини, шу жумладан ушбу замоналарда маъмурий шаҳар ҳисобланган Кофирқалъанинг енгизасидан ҳам утганлиги тарихий манбалардан маълумдир. Бундан ташқари, ушбу ер ҳунармандлари тайерланган бежирим сопол буюмларнинг қазиниш чоғида Етти-сулдан топилганини бунинг нишончи далилдир. Умуман, археологик далилларга қура, Кофирқалъа шаҳарчаси эрамининг I-III асрлариде фаолият кўрсатган. Кейинги даврларда, яъни IV-X асрларда, Сомониёлар замонида, кучманчи қабилалардан мудофаа қилиш мақсадида Кофирқалъа атрофида қалъамиз Даргомнинг ўнг қирғоғи енидан «Девора қиямат» деб номланувчи девор ҳам ўтган.

Ушбу қалъанинг тарихи ушбу ва қилқарилдир. Археолог олимлар томонидан бир неча бор қазинишлар ўтказилди, муҳим тарихий манбалар тушланган. Булар вилоят, шаҳар, туман тарихини чуқурроқ ўрганиш имконини беради. Авлод-аждодлари мероси эса биз учун бебаҳо хазинадир. Утганимиз тарихини аниқ билиш, урганиш ҳар биримиз учун фарз ва қарзидир.

Н. ТОШКЕНБЕКОВ,
СамДУ доценти,
А. МУҲАММАДАЛИЕВ,
журналист.

Кинотеатрлар ҳусусийлаштирилди

Бухоро вилоятида кинотеатрлар ҳусусийлаштирилади бошланди. Ҳозирдак Пешку туманида иккита, Ёғилуван туманида битта кинотеатр эгасини топди.



ЖИЛГАЛАР ТУТАШГАН ЖОЙДА

ҲУР ДИЁР МАДҲИ

Бугун мустақил республикамизнинг қайси жойида бўлган «Эъзобқирон» — Ватаним меним» қўшиқлар тавлови ҳақиқий байрам нафаси билан саҳналарга чиқарилганнинг гувоҳи бўласиз. Азиздан Ватанини куйлаб келган санъат аҳлидан тортиб, мактаб ва болалар боқчасидеги жажжолару маданият маскаларида фаолият олиб бораётган бадиий ҳаваскорлик жамоалари журдигида шу азия Ватан куйланмоқда. Янги қўшиқлар, қўшиқ бўлганда ҳам барчамизнинг муқаллас сажда-гоҳимиз бўлмиш Ватан ҳақиқати қалб изҳорлари акс этган қўшиқлар томошобилар ва ҳакамлар ҳайати, ташкилий қўшиқчиларнинг юксак баҳолашган олишта муваффақ бўлмоқда.

Навоий туман ҳокимлиги ва туман маданият ишлари бўлими томонидан ташкил этилган тавлово босқичи-босқич юрмоқда иккинчи ўринга сазовор бўлган қўшиқ Аскар Ҳамроқуллов сўзи билан бастакор Қадиржан Қўшиқчи қўшиқчилиги билан бўлди.

Қисқа сатрларда

НОМИНИ ЭЪЗОЗЛАБ

Мамакатимизда турон-заминнинг буюк фарзанди Амир Темур таваллудининг 660 йиллиги туғига тийибтарлиқ муносабати билан Урганч туманидаги «Комсомол» жамоа ҳужалиқига аҳолининг хоҳиш-иродаси инобатга олинган ҳолда соҳибқирон номи берилди. Туман марказидаги катта кучалардан бири ҳам Амир Темур номи билан юртлига бошланди.

ЧУЛҚУВАРЛАР УЧУН ЗИЛОЛ СУВ

«Амубухороқанаққурилик» бошқармаси бунёдкорлари Қоровулбозор туманида қурилаётган нефтин қайта ишлаш заволдини сув билан таъминловчи нарос станциясининг дастлабки кутарма иншоотини тиклаб бўлишди. Халамай Қоровулбозор шаҳри аҳолиси ва қорхона қурувчилари зилол сувдан баҳраманд бўлади.

ЯНГИОБОДГА ГАЗ КЕЛДИ

Бухоро туманидаги Обид Убайдов номли жамоа ҳужалиқининг Янгиобод кишлоғида «зангори олов» ениди. Шу тарихи туманда табиий газдан баҳраманд бўлмаётган бирота кишлоқ еки хонадон қолмади. Бунинг учун қисқа муддатда 700 километр узунликда газ қувири тортилди. Эндиликда аҳолининг тоза ичимлик сув билан таъминлаш ишлари авж олдириб боборилади.

Туманда ташкил этилган ташкилий кўнига ва ҳакамлар ҳайатининг ҳамма қўлаб томошобиларнинг олдишларига сабаб бўлган еш истаъодлардан Аниваржон Пирматов, Отабек Исमतов, Ашиер Шодиевлар ижро этган, бастакор Гуломжон Рузиев мусикаси, Аҳтам Хотамов сўзи билан айтадиган «Ватан» қўшиғи уза жойибаси ва сузларида баён этилган шу азия тууроққа меҳр, муҳаббат туғиғиси билан биринчи ўринга лойиқ деб топилди. Мусикалиги жарандорлиқ қўшиқчи янада сермак чиқишга оид бўлган.

Иккинчи ўринга лойиқ деб топилган Достон Мавлонов сўзи билан Турди Раҳимов куй басталаган «Осмонинг ҳамма булсин мусаффо» деб номланган қўшиқда ҳам бугунги дорилмон кўнлар шукку, тиғчилик йўлини ўзига байроқ қилиб олган мамлакатимиз кишилари, муссаффо осмон кўннида яшашдек буюк бахти мушарраф этган юрта бўлган ишонч тўғиулар созлар жилваси билан томошобин олқиларига сабаб бўлди.

Шунингдек, яна бир иккинчи ўринга сазовор бўлган қўшиқ Аскар Ҳамроқуллов сўзи билан бастакор Қадиржан Қўшиқчи қўшиқчилиги билан бўлди. Асаджон Остонов томонидан ижро этилган мажмур қўшиқда ҳам ижодкорлар ота-боболаримизнинг азалий орзуси бўлган истиклолни

қуйлашга жазм этганлар. Асрлар оши юртни озод қурмоқ ниятида жонларини тиккан қаҳрамонлар, бугунги кундаги истиклол кўшиги порветан эубек дегирнинг мадҳи кўнчиликнинг эътиборини ўзига қаратди.

Учинчи ўринларни эса Ирода Шодиева мусикаси билан Аҳмад Очлов сўзи «Ватан ишқи» қўшиғи, Шамсиддин Садоий сўзи билан Солик Саидов куй басталаган «Ватаним» ҳамда Тулқин Назиров мусикаси билан «Она юрт туроним» қўшиқлари олди. Шодумон яллар тақинидеги саҳнага олиб чиқилган Солик Саидовнинг «Ватаним» ялласида саҳнани тудириб рақс тушган «Гули» ашула ва рақс дастасининг қизлари, уларнинг хиромлариде акс этган дорилмон кўнлар заъки барчанинг эътиборини тортиди.

Навоий туман «Узбекистон» — Ватаним меним» қўшиқлар тавлови ҳайратига тақдим этилган Олиқ Хотамов сўзи билан Гулом Рузиев куй басталаган «Истиклол», Халима Аҳмедова сўзи билан «Менинг юртим Узбекистон», Жуманиев Жаҳрамов сўзи билан Қадиржан Қўшиқчи мусика басталаган «Баланд овозим меним» қўшиқлари ҳам кўнчиликнинг юқори баҳосига сазовор бўлиб ҳомий ташкилотлар томонидан таъсис этилган қимматбахо совғаларга сазовор бўлди.

Салоҳиддин СИРОЖИДИНОВ

Хар тўғрида РАНГ ЖУМБОҚЛАРИ

Олимлар шундай таъриба ўтказишди: бир хона зангори тусга, иккинчиси пушти-алвон ранга бўлиб, тенг микдорда киши қилриптиди. Ҳарорат икки хонада ҳам бир хил бўлсада, деворлар зангори тусга бўлган хонада утирган одамлар уларнинг гуе совқотиб кетаётгандек сезишарди. Пушти-алвон ранг хонада утирганлар эса ҳеч қандай совуқни сезишмасди.

Уз таҳминларига аниқлик киритиш мақсадида олимлар бошқароқ усулда таърибадан тақдорлашди: илчиларга бир бинодан бошқиси ваэни тепла-тенг сандиқлари кўчирини тақлиф этилди. Сандиқларнинг бир нечтаси қора, бир нечтаси оқ рангга бўялган эди.

Илчилардан, сандиқларнинг қайси биллари оғирроқ деб суранишани, ақиллик билан қора рангга сандиқларни кўрсатишди.

Шу тарихи ранглар инсон ҳиссийига турлича таъсир қилиши исботланди. Нега шундай?

Дарвоқе, нега ранглар уртасидаги фарқларини илғай олмастикни билдирувчи хасталик «альтонизм» аёлларга нисбатан эркаклар уртасида 16 марта кўп учрайди. Бунга қандай изохламоқ жоиз?


Худди шундай нега балиқлар, қурбақалар, қалтақеасалар рангларини фарқлашгани ҳолда, қуенлар, сиққонлар ва итлар бунга қолди эмас?

Ранглар жилосини касб тақозосига қура облон урганган машҳур рассом Ван Гог шундай таъкидлаган эди: «Ранглар идироқ этиш гоят мушкул бўлган қандайдир сирноатга эга. Бунинг инкор қилиб бўлмайдди, лекин ундан фойдаланмоқ зарур».

Ҳақиқатан ҳам: ранглар кайфиятимизга, ҳаттоки иш унумдорлигига бевосита таъсир кўрсатади. Бу борда ҳар қимматинг ўзи ёқирадиган ранглар ҳам бўлиб, қулчилик турмушда инобатга олиниши, айни муддаодир.

Шермухаммад Йўлдош ўғли.


Децис — чигирткага қарши ишончли восита.



Чигиртка личикаларининг ёшига қараб ҳар гектарига децисни сарфлаш миқдори 0,2 литрдан 0,5 литргачадир.

Децисни самолёт ёки тракторга ўрнатилган камситимли (гектарига 10-25) пуркагичлар ёрдамида далаларга сепиш мумкин.

Чигирткаларга қарши курашда Децис Сизнинг энг яқин ёрдамчингиз!



Қўшимча маълумотлар Сизни қизиқтирса, Олмониянинг АгрЕво фирмаси ходимлари хизматингизга тайёр.

Манзилгоҳимиз: Тошкент шаҳри, Юлиус Фучик кўчаси, 7-уй, 56-қават, Тел.: 33-35-25, Факс: 30-20-31.

ТАШКИЛОТ

— Экологик жиҳатдан соф маҳаллий уғит;
— Калифорния чувалчанги;
— ГАЗ-52 (фургон) автомашинаси;
— Саккиз тулкили (ариқли) шиферлар

СОТАДИ

Маҳсулотлар учун ҳисоб-китоб қилишнинг барча усулларидан фойдаланиш мумкин.

Мурожаат учун телефонлар: (3712) 78-09-47; 78-60-94.

Узбекистон Республикаси Қишлоқ ҳужалиқчилик вазирилик жамоаси механизация бошқармаси бошлиғи А. В. Ҳақимовга онаси

Зайтуна Зокировна ГАББАСОВАнинг вафоғи муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

Бош муҳаррир Неймат ЁҚУБОВ

Рўзнома таҳрир ҳайъати: Расулмат ҲУСАНОВ, Мирзажон ИСЛОМОВ, Маҳмуд МИРЗАЕВ, Эркул ЗИКРИЕВ, Сиддиқжон МУҲАММЕДЖОНОВ, Мирғиёс КАЮМОВ (бош муҳаррир уринбосари), Суннатилла САЙДАЛИЕВ, Обиджон ҒОҒУРОВ (масъул котиб), Рашидан БОБОМУҲАМЕДОВ.

ХОМИЯЛАР: «ЎЗМЕВАСАБЗАВОТУЗУМСАНОАТ» УЎШИМАСИ «Ўзқишлоқчилик вазириятининг таъини» давлат хизмати — «Қишлоқ ҳақиқати» газетасининг вориси

МАНЗИЛИМИЗ: 700083, ТОШКЕНТ, МАТБУОТЧИЛАР КЎЧАСИ, 32

ТЕЛЕФОНЛАР: Мухаррир уринбосарлари — 33-44-43, 33-16-27. Масъул котиб — 33-09-93. Дехқончилик бўлими — 36-56-35, 36-54-51. Ижтимоий ҳаёт бўлими — 36-56-34. Маданият, адабиёт ва санъат бўлими — 36-56-36. Ахборот ва спорт бўлими — 36-54-54. Шкояят, хат ва маъмурий органлар бўлими — 36-54-52.

Рўйхатдан ўтиш тартиб рақами 6. Буюртма Г— 0124, ҳажми 2 босма табоқ. Офсет усулида босилган, қоғоз бичими А-2. Босишга топшириш вақти 21.00. Босишга топширилди 19.30 Нусхаси 17006.

«Шарк» наприет-магбаа конперни босмаҳонаси. Қорхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41-уй. Газета. ИВМ компьютерида терилди ва саҳифаланди.

1 2 3 3 4 6